

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
хўжалиги вазири И.Абдурахмоновга**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларда Коррупцияга қарши курашиш ва Манфатлар тўқнашувини олдини олиш йўналишида ташкил этилган ишлар натижадорлигини ўрганиш (мониторинг ўтказиш), амалий ёрдам бериш, давра суҳбати, семинар-тренинглар ўтказиш ГРАФИГИга асосан ўтказилган ишлар юзасидан

**МАЪЛУМОТНОМА**

2026-йилнинг феврал-март ойларида Бухоро ва Андижон вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Тошкент давлат аграр ва Халқаро қишлоқ хўжалиги университетлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожлантириш ва тадқиқотлар халқаро маркази ҳамда “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИнинг Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ташкил этилган ишлар юзасидан мониторинг, таҳлил ва амалий ёрдам бериш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш ва мониторинг жараёнида ташкилотларда Коррупцияга қарши курашиш бўйича лавозимларни жорий этилганлиги, масъулларга алоҳида хона, компьютер ва бошқа техникалар ажратилганлиги, мустақил равишда меҳнат фаолиятини олиб бориш учун шароитлар яратилганлиги, Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқилганлиги, ходимларни малака оширганлик ҳолати, ходимлардан йиллик Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида Декларациялар олинганлиги ва таҳлили, вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсатини ходимларга етказилганлиги, ташкилотларнинг расмий Веб-Сайтлари янгиланиб бориш ҳолатлари ва хабар бериш учун Ишонч ва Қисқа рақамларни ишлаб туриш ҳолатлари ҳамда ташкилотларда Коррупцияга қарши курашиш йўналишида “Соғломлаштириш соати” ўтказилганлигига эътибор қаратилди.

**Тошкент давлат аграр университети:**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлар ташкил этилган, эътирозлар мавжуд эмас, келгусида ишларни янаям самарали ташкил этилиши юзасидан йўриқномалар берилди.

**Халқаро қишлоқ хўжалиги университети:**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлар ташкил этилган, эътирозлар мавжуд эмас, келгусида ишларни янаям самарали ташкил этилиши юзасидан йўриқномалар берилди.

**Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси:**

Бошқармада Коррупцияга қарши курашиш бўйича лавозим жорий этилган, ходим тайинланган, тегишли ишлар амалга оширилган.

Қисқа муддатда ходимнинг лавозим йўриқномаси ва 2026 йиллик иш режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланиши юзасидан кўрсатмалар берилди.

### **Уруғчиликни ривожлантириш маркази:**

Марказда Коррупцияга қарши курашиш бўйича лавозим жорий этилган, ходим тайинланган, тегишли Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш ишлари амалга оширилган. Келгусида ишларни янаям самарали ташкил этилиши юзасидан йўриқномалар берилди.

### **“Ўздаверлойиха” ДИЛИ:**

“Ўздаверлойиха” ДИЛИда Коррупцияга қарши курашиш бўйича лавозим мавжуд эмас, лекин ташкилот юристконсултига белгиланган тартибда ушбу вазтфа юклатилган. Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш ишлари юқори талаб асосида амалга оширилган. Ўтган даврда Коррупцион ва манфаатлари тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаган. Келгусида ишларни янаям самарали ташкил этилиши юзасидан йўриқномалар берилди.

### **Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси:**

Бошқармада Коррупцияга қарши курашиш бўйича лавозим жорий этилган, ходим тайинланган, тегишли ишлар қисман амалга оширилган.

Тайинланган ходим раҳбарни топшириғига кўра кўпроқ ташкилий ишлар билан шуғилланиб келмоқда, ходимларни “Виртуал академия” платформасида ўқитиш ишлари ташкил этилмаган.

Қисқа муддатда ходимнинг лавозим йўриқномаси ишлаб чиқилиб тасдиқлаш, ходимларни Виртуал академияда ўқитиш учун тегишли шартномалар тузиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Вазир буйруғи билан тайинланган ходим Бўрибоев Аъзамжон Каримжонович ушбу лавозимда ишлашни рад этиш истагини билдирганлиги учун ушбу лавозимга бошқа ходим тайинлаш ишлари амалга оширилиш белгиланди.

Маълумот тариқасида киритилмоқда.

**Коррупцияга қарши курашиш  
бўлими бошлиғи**



**Ш.Тешабоев**  
01.04.2026 йил